

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Ипак ва йигириш технологияси» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИҲА ИШИ

**Мавзу: 1650 арт. газламанинг танда ипи ишлаб чиқариш учун, «Трючлер» фирмаси ускуналари
билан жихозланган, қуввати 3800 камера бўлган йигириш корхонасининг технологик
қўрсаткичлари лойихалансин.**

Бажарди:

4-11 гуруҳ талабаси

Полвонов Матёқуб.

Рахбар ва маслахатчи

доц. Файзуллаев Ш.Р.

Кафедра мудири

доц. Файзуллаев Ш.Р.

Тошкент -2015

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

5320900 - «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси» (тўқимачилик саноати)

бакалавриатура таълим йўналишлари бўйича

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ

Мавзу 1650 арт. газламанинг танда ипи ишлаб чиқариш учун, «Трючлер» фирмаси ускуналари билан жихозланган, қуввати 3800 камера бўлган йиғириш корхонасининг технологик кўрсаткичлари лойиҳалансин.

Талаба Полвонов Матёқуб Ахмеджанович

Факультет ТСТ гуруҳ 4-11

Консультантлар:

1. Кириш доц., Файзуллаев Ш.Р.
(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)

2. Технологик қисм доц., Файзуллаев Ш.Р.
(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)

3. махсус қисм доц., Файзуллаев Ш.Р.
(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)

4. Мехнат муҳофазаси ва экология проф., Ғаниев Т.А.
(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)

5. Иқтисодий қисм доц., Юлдашев С.Н.
(ДЛ таркибий қисми, консультантнинг Ф.И.Ш., сана ва имзо)

Раҳбар _____ доц., Файзуллаев Ш.Р.

Кафедра мудири _____ доц., Файзуллаев Ш.Р.

Тошкент – 2015 йил

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

«Тасдиқлайман»

Декан доц. Муродов Т.Б.

« 08 » 12 2014 й.

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИГА ТОПШИРИҚ

Кафедра «Ипак ва йигириш технологияси»

Кафедра мудири доц. Гуламов А. Э.

(Ф.И.Ш ва имзоси)

Рахбар доц. Файзуллаев Ш.Р.

(Ф.И.Ш ва имзоси)

Топшириқ бажаришга қабул қилинди 10.12.2014 й.

(сана)

Талаба имзоси

5320900- «Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси»

(таълим йўналиши)

Диплом лойиҳасини тайёрлаш топшириқ

Талаба Полвонов Матёкуб Ахмеджанович

1. Лойиҳа мавзуси: 1650 арт. газламанинг танда ипи ишлаб чиқариш учун, «Трючлер» фирмаси ускуналари билан жихозланган, қуввати 3800 камера бўлган йигириш корхонасининг технологик кўрсаткичлари лойиҳалансин.

институт ректорининг 2014 йил «4» 12 № 623-Т -сонли буюруғи билан тасдиқланган.

2. Тугалланган диплом лойиҳасини ҳимоя қилиш муддати 12.06.2015 й.

3. Лойиҳа бўйича дастлабки маълумотлар

4. Диплом лойиҳасида бажариладиган бўлимлар рўйхати:

А) Технологик қисм

Б) Махсус қисм

В) Мехнат муҳофазаси ва экология қисми

Г) Иқтисодий висм

5. Кўрсатилиўши шарт бўлган чизма-геометрик материаллар рўйхати:

1. Ускуналар жойлашуви; 2. Йигиришнинг қискача режаси; 3. Махсус қисм

материаллари; 4. Техник иқтисодий кўрсаткичлари.

6. Лойиҳанинг тегишли бўлимлари бўйича консултантлари: Технологик ва махсус қисмлар-Файзуллаев Ш.Р., Мехнат муҳофазаси ва экология қисми Ғаниев Т.А., Иқтисодий қисм Юлдашев С.Н.

7. Топшириқ берилган сана 10.12.2014 й

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-боб ТЕХНОЛОГИК ҚИСМ	5
1.1 Қурилиш нуқтасини танлаш ва асослаш	6
1.2 Газлама тавсифи	7
1.3 Хом ашё танлаш ва асослаш	9
1.4 Йигириш системасини танлаш	13
1.5 Йигириш режасини танлаш ва асослаш	16
1.6 Ўтимлар бўйича чиқаётган маҳсулот чизиқий зичлиги ва чўзиш миқдорини асослаш	17
1.7 Ипдаги бурамлар сонини асослаш	18
1.8 Ўтимлар бўйича чиқарувчи органлар тезлигини асослаш	18
1.9 Ўтимлар бўйича машиналар назарий унумдорлигини ҳисоблаш	19
1.10 Ўтимлар бўйича паковкалар параметрларини ҳисоблаш	23
1.11 Ўтимлар бўйича машиналар унумдорлигини ҳисоблаш	26
1.12 Соатбай вазифани аниқлаш	27
1.13 Корхонанинг ёрдамчи бўлимлари	32
II-боб МАХСУС ҚИСМ	39
2.1 Graf компанияси тараш машиналарининг гарнитуралари	39
III-боб МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ЭКОЛОГИК ҚИСМИ	45
3.1 Лойиҳаланаётган корхонада соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш	45
IV-боб ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ	49
4.1 Йигирув цехини ишлаб чиқариш дастури ҳисоби	49
4.2 Меҳнат бўйича техник-иқтисодий кўрсаткичлир ҳисоби	52
4.3 Маҳсулот таннархини ҳисоблаш	57
4.4 Йигирув корхонасининг техник-иқтисодий кўрсаткичлири	62
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	63
АДАБИЁТЛАР	64

К И Р И Ш

Ўзбекистон енгил саноат комплексни вужудга келтириш ва ривожлантиришда тўқимачилик саноати катта ўрин тутди. Президентимиз И.А Каримов ҳам кўпгина нутқларида жуда кўп мартаба таъкитлаб ўтганлар. Шу ўринда қуйидаги сўзларни мисол қилиб оламиз. Енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, ип йиғириш тармоқларини замонавийлаштириш, тугалланган технологик жараёни таъминловчи ишлаб чиқарувчи қувватларни яратиш ва дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш асосий мақсадларимиздан бири.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда енгил саноати кўп тармоқли индустриал комплекс бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш заводларидан ташқари тўқимачилик, трикотаж, шойи тўқиш, тикувчилик, пойабзал, гиламчилик, чинни буюмлари ва атторлик ишлари ишлаб чиқаришда кўпгина корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмини енгил саноат 27,6% ни ташкил этади.

[1] Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлаб чиқаришни янгилаш ва инновация технологияларини жорий этиш бўйича узлуксиз жараёнинг мантиқий давоми бўлди.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат- акциядорлик компанияси чет еллик етакчи шериклар билан ҳамкорликла фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янгиларини ташкил этиш бўйича 58 лойиҳа, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб етган ҳолда, 21 истиқболли лойиҳани амалга оширишни режалаштирмоқда. Эллиққалъа ва Қўнгирот пахта заводлари, Бухора вилоятининг ғиждувон, Жондор ва Ромитан туманларида қурилиш объектлар негизида тўқимачилик

комплекслари, «Индорама Қўқон текстиль» хорижий корхонасининг тўртинчи босқичини ташкил этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

2015-2019 йилларда амалга ошириладиган қиймат 19 миллиард 640 миллион долларлик 711 янги лойиҳанинг сармоядорлари ва молиялаштириш манбалари белгилаб олинган. Қиймати 21 миллиард 169 миллион долларлик 135 истиқболли лойиҳага эса хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинади.

Ушбу дастурнинг ҳаётга тадбиқ этилиши 2015-2019 йилларда ялпи ички маҳсулотни йилига ўртача камида 8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 9 фоиз, шу давр ичида ушбу кўрсаткични 1,5 баробар ошириш имконини беради. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат улуши ҳозирги 24 фоиздан 2020 йилда 27 фоизга етади. Машинасозлик, нефть-газ, нефть-кимё, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат каби юқори технологияли тармоқларни янада жадал ривожлантириш, саноатда уларнинг улушини 2014 йилдаги 62 фоиз ўринга 2020 йилда 67 фоизга етказиш кутилмоқда. Бу борада 100 га яқин янги товар гуруҳлари (қарийб 1000 хил маҳсулот) ишлаб чиқариш ўзлаштирилади ва 2020 йилга бориб мамлакатимиз саноатининг йиллик ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти тегишли равишда 18 тирилليون сўмга ва 2 миллиард долларга оширилади.[2]

“Shindong Spinnig Termez” пахта ип йигирув Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, Ўзбекистон-Ҳиндистон “Spentex Tashkent ToyTera” қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Чинозда Туркия билан ҳамкорликда “Chinoz textil”, булардан ташқари «Мурувват текс», «Plasteks», «Яккабогтекс», «Sarboneулы» ва яна бир қанча тўқимачилик мажмуалари қурилди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитида кенг тармоқли енгил саноат ташкил топган бўлиб, пахта толасидан, устки ва ички трикатаж, тикилган буюмлар, поябзал ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади.

Мавзунинг долзарблиги:

Лойиҳа ишининг «1650 арт. газламанинг танда ипи ишлаб чиқариш учун, « Trutzschler » фирмаси ускуналари билан жиҳозланган қуввати 3800 камера бўлган йиғириш корхонасининг технологик кўрсаткичлар лойиҳалансин» мавзуси юқори технологияларга асосланганлиги, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ип йиғириш масалаларини қамраб олганлиги учун долзарб ҳисобланади.

Диплом лойиҳа ишининг асосий мақсади:

Танланган толали аралашмадан Uster Statistics 2013 меъзонларига мос йиғирилган ип ишлаб чиқариш учун технологик ускуналарни танлаш, йиғириш режаси параметрларини ҳисоблаш ва асослаш.

Диплом лойиҳа ишининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1.Берилган ассортиментдаги газламанинг ипи учун хом ашё танлаш ва асослаш.
2. Йиғириш системаси ва технологик ускуналар занжирини танлаш.
3. Лойиҳаланаётган ип учун йиғириш режаси параметрларини ҳисоблаш ва асослаш
- 4.Технологик ўтимлар бўйича ФВК, ИУК, УФК коэффициентларини танлаш, амалий ва ҳисобий унумдорликларни аниқлаш.
5. Қайтимлар, чиқиндилар, хомаки маҳсулот ва ип чиқишини асослаш.
6. Ўтимлар бўйича паковкалар массасини ҳисоблаш.
7. Лойиҳа топшириғига кўра соатбай вазифани аниқлаш, машиналар сонини ҳисоблаш, коррективка қилиш, кенгайтирилган йиғириш режасини тузиш.
8. Махсус қисм топшириғини бажариш.
9. Лойиҳанинг техник иқтисодий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.
10. Меҳнат муҳофазаси топшириғини бажариш.

1.1. Қурилиш нуқтасини танлаш ва асослаш

Қурилиш нуқтасини танлашда тўқимачилик корхоналари бўлган шаҳарлар танланмайди, бундан ташқари жуда катта шаҳарни ҳам танлаш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби, катта шаҳарларда ишчи арзон ва етарли бўлмайди.

Қурилиш нуқтасини иложи борида оғир саноат, яъни металлургия, кон руда, машинасозлик кабилар бўлган шаҳарларни танлаш тўғрироқ бўлади. Бизга маълумки, оғир саноатда кўп ишчи кучи-эркаклар ишлайди. Тўқимачилик корхоналарининг 80 % қисмини аёллар ташкил қилади. Шунинг учун бундай шаҳарларда ишчи кучи ҳам муаммо бўлмайди.

Ўзбекистонда жойлашган бир қатор шаҳарчалар, Хива, Шовот, Гурлан, Янгибозор, Боғот, Қўшқўпир ва Хонка шаҳарчаларини қабул қилишимиз мумкин.[3]

Қурилиш нуқтасидан танлашда қуйидагиларга аҳамият бериш керак:

Қўшқўпир тумани Вилоятнинг ғарбий қисмида жойлашган. 1936-йил 17-апрелда ташкил етилган. Ер майдони 0,54 минг км². Аҳолиси 128,9 киши. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 238,7 киши. Туманда битта шаҳарча (Қўшқўпир), 12 қишлоқ фукаролари йигини бор. Маркази Қўшқўпир шаҳарчаси.

Худуди асосан текислик, пахта тозалаш, силикат гишт заводлари, МТП, автокорхоналар, қурилиш ташкилотлари, тикувчилик ва гиламчилик сеҳлари ишлаб турибди. 54 кичик корхона, 1849 микрофирма фаолият кўрсатмоқда. “Қўшқўпир” пилла “Қўшқўпир парранда” маъсулияти чекланган жамият, “Қўшқўпир асаларичилик” корхонаси бор. Худуди асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Деҳқончилик, чорвочилик, пиллачилик, балиқчилик ҳам ривожланган. Фермер хўжаликлари (шу жумладан 3-та балиқчилик) мавжуд.

Туманда 55 умумий таълим мактаби, касб-хунар коллежлари бор. Қўшқўпир шаҳарчасидан Хива, Урганч ва бошқа шаҳарларга автобус ва маршрутли таксилар қатнови йўлга қўйилган.

Юқорида санаб ўтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда Хоразм вилояти Қўшқўпир туманига қарашли Қўшқўпир шаҳарчасини танлаб оламиз.

Қўшқўпир шаҳарчаси Хоразм шаҳридан 25 км узоқликда жойлашган. У ерда ҳеч қандай тўқимачилик корхоналари йўқ. Шаҳардан темир йўл ўтган.

Газламанинг шайлаш характеристикаси

Жадвал №1

Мато номи	Арти кули	Мато эни см	Ипнинг йўғонлиги, Текс			Иплар сони		10 см матодаги иплар сони		Ипнинг қисқариши, %	
			танда	Арқоқ	Милки	Жами	Милк даги	Рт	Рар	а _{тан}	а _{арқ}
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Бумазия	1650	89	25	84	25x2	2270	80	254	210	11	5,3

Бердо			Тўқили ши	Станок тури	Газлама зичлиги	Чикидилар %		100 п.м. газлама учун сарф бўладиган ип микдори	
Номер	1 та тишга тўғри келадиған ип сони					Танда ипи учун	Арқок ипи учун	Танда ипи учун	Арқок ипи учун
	фон	милк							
13	14	15	16	17	18	19	20	21	22
60	4	8	То-же	АТ	260	0,74	2.20	6.378	16.578

1.2. Бумазия газламасининг характеристикаси

Ип газламаларнинг турлари жуда кўп ва хилма – хилдир. Уларни ишлаб чиқаришда пахта толасидан карда (оддий тараш) қайта тараш ва аппарат тизимида ҳалкали ва пневмамеханик машиналарида йигирилган турли чизиқий зичликдаги якка пишитилган ва шаклдор иплар ишлатилади .

Ип газламаларни тўқишда тўқимачиликда мавжуд ўрилишларнинг барча синовлари қўлланилади.[4]

Баъдий безатиш жиҳатидан ип газламалар ҳам оқартирилган , сидирға , накшдор, накш босилган хилларга бўлинади.

Ип газламалар классик ассортиментининг катта қисмини чит, бумазия, сатин, батист, маркизет, вуала ва бошқалар ташкил этади. Дунё тўқувчилик амалиётида кейинги йиллари ип газламалар таркибига кимёвий моддалардан вискоза ва лавсан толалари аралаштирилмоқда

Ҳалкали усулда йигирилган иплар ип газламаларнинг классик, янги яратилган турларини ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади. Бу усулда йигирилган ипдан ишлаб чиқарилган газламаларнинг пишиқлиги пневмамеханик ипларга қараганда махсулдорлиги 20-30 фоиз кам бўлишига қарамасдан, уларнинг емирилишга чидамлилиги, нисбатан 2-3 маротоба юқори.

Сурп (бумазия) читга қараганда анча қалин ва оғир мато, у оддий тараш тизими-да ишлаб чиқилган тандаси 25, 29, 36, 42 текс, арқоғи 25 текс пахта толасидан йигирилган иплардан тўқилади. Сурпнинг танда бўйича нисбий зичлиги читникига ўхшайди, арқоғи бўйича бироз юқорирок бўлади, сирт зичлиги 140-160 гр/м. Эни 98-140 см. Бязни қўл билан пайпасласа, бармоқларга читга нисбатан дағалроқ уннайди.

Сурп сидирга ранга бўялиши, бир ёки икки томонига нақш босилиши мумкин. Сурпга қаттиқ ялтироқ ва кумушсимон қилиб пардоз бериш мумкин. Сурпнинг технологик хоссалари читникига ўхшайди. У анча пишиқ бўлиб, унча чўзилмайди. [5]

**Пневмамеханик карда ипини сифат синфлари бўйича физик механик
кўрсаткичлари**

USTER STATISTICS 2013

Жадвал №2

Ип номери		Узилишдаги узунлик R_{KM} , сН/текс			RH бўйича CV, %				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Ne	Tex	5%	50%	95%	5%	25%	50%	75%	95%
КАРДА									
24	25	14.6	12.2	10.3	6,4	7,2	8,1	9,3	10,4

1000 м ипдаги нуқсонлар (кўпи билан) дона														
Ингичка жойлар					Йўғон жойлар					Непсонлар				
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25
5%	25%	50%	75%	95%	5%	25%	50%	75%	95%	5%	25%	50%	75%	95%
КАРДА														
3	6	12	23	46	23	36	56	89	145	10	19	37	71	131

[6]

1.3. Хом ашё танлаш ва асослаш

Хом ашё танлаш ва чизиқий зичлиги ГОСТ 1119-81 стандарти бўйича 25 текс танда иплари 5-тип I; 5-тип II; 5-тип III авларнинг ўрта толали пахта толасидан йигирилади.[7]

Тавсиялар бўйича 5-тип I; 5-тип II; 5-тип III олинади Профессор Симанёновнинг тавсияларига кўра 5-тип I; 5-тип II га ўтказилган . Шунинг учун 5-тип I; 5-тип II ни олиш мумкин. Шуларни инобатга олиб ҳозирги кунда пахта майдонларида 5-тип I нав пахта толалари кўплаб экилмоқда, мазкур лойиҳада $T_H=25$ тексли танда ипи 5-тип I, сараланмасидан йигириш тавсия этилади. 5-тип I -70%; 5-тип II 30% сараланмасидан қабул қилиб аралашма тайёрлаймиз. 5-типга оид ғўза навларидан келажак ни қабул қиламиз.

Ўзбекистон Республикасида 2013 йил ҳосилидан олинган ўрта толали пахта толасининг сифат кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистонда 2013 йил ҳосилидан олинган ўрта толали пахта толасининг
сифат кўрсаткичлари

Жадвал №3

Типи	Селекцион нави варианты	Mic Микронейр Unit	Штапел узунлиги cod STAPLE	UHML юкори ўртача узунлиги дом*1000, инч*1000	STR солишгирма гк/текс, гт/текс	UI бирхиллик индекси
1	2	3	4	5	6	7
5	Келажак	4,60	35,5	111,1	31,2	82,8

RDOKS кўрсаткиш коэффициент, %	b сарғишлик даражаси	Elong узилишдаги узайиш, %	Leaf еит коди	SE калта толалар индекси	Сеи йигирувчан индекси бирликда	CSP ипининг ҳисобий пишиқликда
8	9	10	11	12	13	14
78,2	8,7	6,9	2,1	8,1	138,1	2178,60

Пахта толасининг сортлари ўзгариши билан боғлиқ бўлган кўрсаткичлар

(Белицин коэффиценти)

Берилган кўрсаткичлардан фойдаланиб II нав пахта толасининг
кўрсаткичларини Белицин коэффицентида фойдаланиб аниқлаймиз.

Жадвал №4

Пахта толасининг сортн	Нисбий пишиқлиги сН/текс	Пишиқлиги сН	Тола йўғонлиги мтекс
1	2	3	4
I	100	100	100
II	96	89	93
III	93	78	81
IV	87	68	73
V	86	56	53

II сорт пахта толасининг хусусиятларини аниқлаш.

1. Аралашмадаги толанинг узилишдаги пишиқлиги.

$$P_{II} = \frac{P_I \cdot 89}{100} = \frac{31.2 \cdot 89}{100} = 27.76 \text{ гк / текс}$$

2. Аралашмадаги толаларнинг чизиқий зичлиги.

$$M_{II} = \frac{M_I \cdot 93}{100} = \frac{4.60 \cdot 93}{100} = 4.27 \text{ мг / дйўйм}$$

Аралашмадаги толаларнинг хусуиятини инженер Синицин формуласи бўйича аниқлаш.

1. Аралашмадаги толанинг узилишдаги пишиқлиги.

$$P_{ap} = \frac{P_I \cdot \alpha_1}{100} + \frac{P \cdot \alpha_2}{100} = \frac{31.2 \cdot 70}{100} + \frac{27.76 \cdot 30}{100} = 21.84 + 8.32 = 30.16; \text{гк / текс}$$

2. Аралашмадаги толаларнинг микронейри

$$M_{ap} = \frac{M_I \cdot \alpha_1}{100} + \frac{M_{II} \cdot \alpha_2}{100} = \frac{4.60 \cdot 70}{100} + \frac{4.27 \cdot 30}{100} = 3.22 + 1.28 = 4.5 \text{ мг / дйўйм};$$

Ўзбекистон тўқимачилик корхоналари тайёр махсулотларни жаҳон андозаларига мослаб, рақобатбардош қилиб ишлаб чиқариш вазифасини тўла бажариш учун тўқимачилик саноати тараққиёт этган мамлакатлар корхоналари амалиётида қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш лозим. Пахта толаси хосса кўрсаткичларини экспресс (тезкор) аниқлашда HVI синов курилмасидан кенг фойдаланилади. Ҳозирги пайтда пахта толаси синови айнан шу ускунада ўтказилиб, натижалардан бири сифатида CSP кўрсаткичи қайд этилади. Фирма CSP ни ҳисоблаш учун формулани ишлаб чиққан. Унинг ёрдамида ип пишиқлигини прогноз қилиш мумкин. Пахта толаси Сифат марказлари айнан шу формулалардан фойдаланадилар.

Ипнинг хоссаларини нисбий пишиқлиги (CSP ва $P_{км}$ да) ҳисоблаш ва стандарт билан солиштириш ипнинг пишиқлик кўрсаткичи-CSPни ҳисоблаш.

Карда ипи учун:

$$CSP = 165 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 590 - 13Ne$$

Келажак пахта навининг толасининг узунлиги дюймда берилган 111,1дюйм×100. Толанинг узунлигини mm да топиш учун тола узунлигини 100 га булиб 25,4га купайтирамыз.

Толанинг ўртача узунлиги:

$$L = \frac{111.1}{100} \cdot 25,4 = 28,21 \text{ mm}$$

Толанинг нисбий пишиқлиги, cH/текс:

$$R_T = 30.16 \text{ gk/teks}$$

Толанинг микронейри:

$$M = 4,5 \text{ mg/duum}$$

Ипнинг инглизча номери:

$$Ne = 24$$

Ипнинг CSP кўрсаткичи ҳисоблаймиз:

$$CSP = 165 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 590 - 13Ne = 165 \sqrt{\frac{28,21 \cdot 30,16}{4,5}} + 590 - 13 \cdot 24 = 2546.79$$

Ипнинг R_{KM} кўрсаткичини ҳисоблаймиз:

$$R_{km} = 1,1 \sqrt{\frac{L \cdot R_T}{M}} + 4,0 - 13 \frac{N_e}{150}$$

$$R_{KM} = \left[1,1 \sqrt{\frac{28,21 \cdot 30,16}{4,5}} + 4 - 13 \frac{24}{150} \right] = 19.12 - 2.08 = 17.04 \text{ gk/teks}$$

R_{KM} нинг cN/teksдаги қийматини ҳисоблаймиз:

$$R_{KM} = 0,9807 \cdot R_{KM} = 0,9807 \cdot 17.04 = 16.7 \text{ cN/teks}$$

Бизда маълумки пневмомеханик йиғириш машинасидан олинган ип ҳалқали йиғирилган машинасидан олинган нисбатан равон бир текст бўлади , лекин пишиқлиги 15-20% га кам бўлади .Шунинг учун

$$R_{xuc} = R_{un} \cdot (0,85 \div 0,8);$$

$$R_{xuc} = R_{un} \cdot 0,8 = 16.7 \cdot 0,80 = 13.36 \text{ cH/текс}$$

Бу кўрсаткич ипнинг меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилади. Меъёрлар USTER STATISTICS жадвалларида келтирилган. Унда ҳисобланган $R_{km.x} > R_{km.ж}$ бўлиши керак, яъни ип сифати (жадвал) 5,50,95%

синфларининг бирортасидан катта бўлса, хом ашё тўғри танланганлиги асосланади.

Шундай қилиб, 25 тексли танда ипининг P_{KM} ҳисобий қиймати Устер Статистикс-2013 стандартининг 50% кўрсаткичидан катта (12.2 сН/текс) ва 5% кўрсаткичидан кичик (14.6 сН/текс). Шунинг учун P_{KM} (25текс танда ипи)нинг 13.36сН/текс. 50% кўрсаткичига мос келса. Хом ашё тўғри танланган деб ҳисобланади. Танда ипи карда системасининг пневмомеханик усулда Германиянинг «Trutzhler» фирмаси ускуналарида йигирилади.

1.4. Ип йигириш системасини танлаш ва асослаш.

Йигириш учун танланган машиналар ва уларда бажариладиган технологик жараёнлар мажмуи йигириш системаси деб аталади.

Технологик ускуналар занжирини танлаш.

Машиналар занжирини танлашда етакчи лойиҳалаш институтлари тавсиясига, корхоналарда ишлаётган ускуналар тизимига, шунингдек илғор чет эл фирмаларида ишлаб чиқарилаётган ускуналар тавсифларига асосланилади.

Технологик ускуналарни танлашда техника ва технологияни ривожланиши йўналишларини ва тўқимачилик машинасозлигини йўналишларини яхши билиш керак.

Танланган машиналарда янги модернизацияланган ишчи органларнинг мавжудлиги, замонавий чўзиш асбоблари уларни турлари, автоматик таъминлаш, тўхтатиш, иш унумдорлиги юқори ва сифатли маҳсулот олишга эътибор бериш керак.

Тавсия этилган технологик ускуналар занжири

Жадвал №5

«Яккабоғтекс»Қ.К. тавсияси	«Tutrschler»фирмаси нинг тавсияси	Лойихада қабул қиламиз.	
		Машина номи	Маркаси
ВлендоматВТД-019	Blendomat BO-A	Автоматик той титгич	Blendomat BO-A
SP-MF	SP-MF	Кўп функцияли ажраткич (сепаратор)	SP-MF
МСМІ-6	CL-P	6-бункерли аралаш-тирувчи машина	CL-P
ДХ(Dustex)	MX-U	Аралаштириш билан агрегатлаштирилган тозалагич.	MX-U
Securomat SP-F	Slenomat CL-U	Бегона (толалардан) жисмлардан тозалаш машинаси	Slenomat CL-U
HWK	Securoprot SP-FPU	Тараш машинасига тола тақсимлаш системаси.	Securoprot SP-FPU
DK-903	TC-11	Тараш машинаси	TC-11
HS -1000	TD-8	Пилталаш машинаси I-ўтим	TD-8
HSR -1000	TD-8	Пилталаш машинаси II-ўтим	TD-8
BD-330	BD-448	Пневмомеханик йиғириш машиналари	BD-448

Юқорида келтирилган машиналарни техник характеристикаларини ўрганиб Gemaniyaning «Trutchler» фирмасининг машиналарини қабул қиламиз. Чунки бу фирманинг машиналари юқори иш унумдорлигига эга бўлиш билан бирга чиқаётган ярим маҳсулот ва ипни чизиқий зичлигини автоматик равишда ростлаб турувчи мосламаси бор.

«Trutchler» Фирмасининг технологик ускуналар занжири.

Технологик ускуналарни танлашда фан тараққиёти техника ва технологияни ривожланиши йўналишларини ва тўқимачилик машинасозлигини йўналишларини яхши билиш керак. [8]

Танланган машиналарда янги модернизацияланган ишчи органларнинг мавжудлиги, замонавий чўзиш асбоблари уларни турлари, автоматик таъминлаш, тўхтатиш, иш унумдорлиги юқори ва сифатли маҳсулот олишга эътибор бериш керак.

Машиналарнинг техник тавсифи («Trutzchler» Пневмомеханик)

Жадвал №6

т/р	Машиналар номи	Маркаси	Ишлатилган толанинг узунлиги мм гача	Махсулот чизиқий зичлиги	Чиқарувчи ишчи орган тезлиги		Ўзиш микдори Е	Пишитилганлик даражаси, бур/м	Унумдорлиги, кг/соат	Чиқарувчи орган диаметри, мм	Машина ўлчамлари, мм		Чиқарувчи органлар сони
					n мин ⁻¹	V м/мин					Эни	Узунлиги	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Автоматик той титгич	Blendomat BO-A	60	-	-	-	-	-	1500		5164	10670-50270	-
2	Куп функцияли ажраткич	SP-MF	60	-	-	-	-	-	2000		1664	4485	-
3	Дастлабки тозалагич	CL-P	60	-	-	-	-	-	1000		1964	1485	-
4	6-бункерли аралаштирувчи машина	MX-U	60	-	-	-	-	-	1000		2264	6000	-
5	Универсал тозалагич	Clenomat CL-U	60	-	-	-	-	-	1200		2664	1512	-
6	Бегона жисмлардан тозалаш машинаси	Securoprot CP-FPU	80	-	-	-	-	-	1500		1664	4485	-
7	Тараш машинаси	TC-11	80	3,0-20 ктекс	-	-	-	-	260		2150	6345	1
8	Пилталаш машинаси I-ўтим	TD 8	60	1.5-7.0 ктекс	-	1000	4.0-11.0	-	-		2448	8154	1
9	Пилталаш машинаси II-ўтим	TD 8	60	1.5-7.0 ктекс	-	1000	4.0-11.0	-	-		2448	8154	1
10	Пневмомеханик йиғириш машинаси	BD-448	60	15-588 текс	15000-120000	-	40-350	200-1700	-		1200	8245-54525	32-448 (1та секцияда 16 та камера)

1.5. Йигириш режасини танлаш ва асослаш.

Ип йигирув режаси йигирув корхонасининг асосий техник хужжати бўлиб, унга йигирув фабрикасининг ҳамма босқичларидаги машиналарнинг асосий техник кўрсаткичлари киради.

Йигириш режаси ўз ичига машиналардага ҳамма параметрларнинг ўз ичига олган яъни ярим маҳсулотлар ва ип олишдаги технологик жараёнлар билан боғланган. Йигириш режасида маҳсулотларнинг йўғонликлари, кўшиш сони, босқичлар бўйича чўзиш микдори, пишитиш даражаси ва пишитиш коэффицентлари, асосий ишчи органларнинг айланиш тезликлари, машиналарнинг назарий махсулдорликлари ҳамда машиналардан фойдаланиш коэффицентлари киради.

Йигириш режасида ҳар бир олинган кўрсаткичларни асослаш керак. Ҳар бир кўрсаткични танлашда махсус маълумотномалардан, илмий текшириш институтларнинг тадқиқот ишлари натижаларидан ва ишлаётган илғор фабрикаларнинг тажрибаларидан фойдаланилади.

«Қаракўлтекс» қушма корхонасининг пневмомеханик усулда

йигирилган $T=29,4$ текс ($N=34$) ип учун йигириш режаси

Жадвал №7

№	Машиналарнинг номи ва маркаси	Кираётган маҳсулот Текс, ктекс	Чиқаётган маҳсулот Текс, ктекс	Кўшиш лар сони d	Чўзиш сон и Е	Пишитиш		Чиқарувчи ишчи орган. тезлиги		Ан Кг/с	ФВК
						α_t	К б/м	n мин ⁻¹	V м/мин		
1	Тараш DK-903	-	5,0	-	-	-	-	96	-	85	0,97
2	Пилталаш I-ўтим HS-1000	5,0	4,5	8	8,8	-	-	807	6456	218	0,82
3	Пилталаш II-ўтим HS-1000	4,5	4,5	8,0	8,0	-	-	726	5810	195	0,82
4	Йигириш BDD-2K	4,5	29,4	1	153	52,2	963	90000	-	41,22	0,93

ЙИГИРИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШ ВА АСОСЛАШ

1.6. Ўтимлар бўйича ярим маҳсулотлар ва ипнинг чизиқий зичлигини, (номери) машиналарнинг умумий чўзилиш микдорини ҳисоблаш.

1. Тараш машинаси

Технологик характеристика бўйича $T_{\text{п}}=3.0-20 \text{ teks}$,

$$N_e=0,1966 \div 0,0295$$

«Қаракўлтекс» Қ.К. кўрсаткичи бўйича $T_{\text{п}}= 5,0 \text{ teks}$, $N_e=0,118$

Лойиҳада қабул қиламиз $T_{\text{п}}= 5,0 \text{ teks}$, $N_e=0,118$

2. Пилталаш машинаси , I-ўтим.

Технологик характеристика бўйича $T_{\text{п-I}}= 1,5-7,0 \text{ teks}$ $d=6-8$,

$$N_e=0,393 \div 0,0842$$

«Қаракўлтекс» Қ.К. кўрсаткичи бўйича $T_{\text{п-I}}= 4,5 \text{ teks}$ $d=6$,

$$N_e=0,131$$

Лойиҳада қабул қиламиз $T_{\text{п-I}}= 4,5 \text{ teks}$ $d=8$,

$$N_e=0,131$$

$$E = \frac{T_{\text{п-I}}}{T_{n_I}} \cdot d = \frac{5,0}{4,5} \cdot 8 = 8,8$$

3. Пилталаш машинаси , II-ўтим.

Технологик характеристика бўйича $T_{\text{п-II}}= 1,5-7,0 \text{ teks}$ $d=6-8$,

$$N_e=0,393 \div 0,0842$$

«Қаракўлтекс» Қ.К. кўрсаткичи бўйича $T_{\text{п-II}}= 4,5 \text{ teks}$ $d=6$, $N_e=0,131$

Лойиҳада қабул қиламиз $T_{\text{п-II}}= 4,5 \text{ teks}$ $d=8$, $N_e=0,131$

$$E = \frac{T_{n_I}}{T_{n_{II}}} \cdot d = \frac{4,5}{4,5} \cdot 8 = 8,0$$

4. Пневмомеханик йигириш машинаси

Технологик характеристика бўйича $T_{\text{ип}}= 15 \div 588 \text{ teks}$,

$$N_e=39.3 \div 1.0034$$

«Қаракўлтекс» Қ.К. кўрсаткичи бўйича $T_{\text{ип}}= 29,4 \text{ teks}$, $N_e=20$

Лойиҳада қабул қиламиз $T_{\text{ип}}= 25.0 \text{ teks}$, $N_e=24$

$$E = \frac{T_{\text{пилик}}}{T_{\text{ип}}} \cdot d = \frac{4500}{25,0} \cdot 1 = 180$$

1.7. Ипдаги бурамлар сони аниқлаш ва асослаш.

Пишитиш микдорини аниқлаш учун пилик ёки ипнинг чизиқий зичлиги ва қабул қилинган толанинг узунлигига қараб, α_T ни танлаб оламиз.

$L_{\text{шт}}=35.5 \text{ mm}$; $T=25,0 \text{ teks}$ бўлса карда ип учун пиликнинг пишитиш коэффиценти

Ипдаги бурамлар сони $L_{\text{шт}}=35.5 \text{ mm}$, $T=25,0 \text{ teks}$, $\alpha_T=47,7$ [8,9]
(К.Жуманиязов, Й.Полвонов “ПЙТЖЛ”-95 бет.

$$Ne = 20,3; a_N = \frac{\alpha_T}{0,316} = \frac{47,7}{0,316} = 151; a_e = 0,033 \cdot a_N = 0,033 \cdot 151 = 3,96 \approx 4,98;$$

$$K = \frac{\alpha_T \cdot 100}{\sqrt{T_{ip}}} = \frac{47,7 \cdot 100}{\sqrt{25}} = 954 \text{ b/m}$$

Ипнинг 1 дюймдаги бурамлар сони

$$TPI = a_e \sqrt{Ne} = 4,98 \sqrt{24} = 24,4 \text{ b/d}$$

$$K = 39,38 \cdot TPI = 39,38 \cdot 24,4 = 960.87 \text{ b/m}$$

1.8. Ўтимлар бўйича чиқарувчи ишчи органларнинг тезлигини аниқлаш.

1. Тараш машинаси С-60 ажратувчи барабанининг айланиш тезлиги.

Технологик характеристика бўйича $A_H=260 \text{ kg/soat}$

«Карақўлтөкс» Қ.К. $A_H=85 \text{ kg/soat}$

Лойиҳада қабул қиламиз $A_H=100 \text{ kg/soat}$

$$A_n = \frac{\pi \cdot d_{a.б} \cdot n_{a.б} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n}{1000} \text{ kg/soat}$$

$$n_{a.б} = \frac{A_n \cdot 1000}{\pi \cdot d_{a.б} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n} = \frac{100 \cdot 1000}{3,14 \cdot 0,705 \cdot 60 \cdot 2 \cdot 5,0} = 75,28 \text{ min}^{-1}$$

$$v_{a.б} = \pi \cdot n_{a.б} \cdot d_{a.б} = 3,14 \cdot 75,28 \cdot 0,705 = 166,6 \text{ m/min}$$

2. Пилталаш машинаси I-ўтим.

Технологик характеристика бўйича $V_1=1000 \text{ m/min}$

«Қаракўлтeкс» Қ.К.

$$V_I = 807 \text{ m/min}$$

Лойиҳада қабул қиламиз

$$V_I = 800 \text{ m/min}$$

$$n_{a.\bar{o}} = \frac{V}{\pi \cdot d} = \frac{800}{3,14 \cdot 0,038} = 6704 \text{ min}^{-1}$$

3.Пилталаш машинаси II-ўтим.

Технологик характеристика бўйича

$$V_{II} = 1000 \text{ m/min}$$

«Қаракўлтeкс» Қ.К.

$$V_{II} = 720 \text{ m/min}$$

Лойиҳада қабул қиламиз

$$V_{II} = 730 \text{ m/min}$$

$$n_{a.\bar{o}} = \frac{V}{\pi \cdot d} = \frac{730}{3,14 \cdot 0,038} = 6118 \text{ min}^{-1}$$

4.Пневмомеханик йигириш машинаси

Технологик характеристика бўйича

$$n_k = 15000 - 120000 \text{ min}^{-1}$$

«Қаракўлтeкс» Қ.К.

$$n_k = 90000 \text{ min}^{-1}$$

Лойиҳада қабул қиламиз

$$n_k = 80000 \text{ min}^{-1}$$

$$V_{TOP.B} = \frac{n_k}{K} = \frac{80000}{960.8} = 83.26 \text{ m/min}$$

Лойиҳада қабул қиламиз

$$V_{TOP.B} = 83.26 \text{ m/min}$$

1.9. Ўтимлар бўйича назарий иш унумдорлигини ҳисоблаш.

1. Тараш машинаси

$$A_H = \frac{\pi \cdot d_{a.\bar{o}} \cdot n_{a.\bar{o}} \cdot 60 \cdot e \cdot T_n}{1000} = \frac{3,14 \cdot 0,705 \cdot 75,28 \cdot 60 \cdot 2 \cdot 5,0}{1000} = 100 \text{ kg/soat}$$

$$A_H = 100 \text{ kg/soat}$$

2. Пилталаш машинаси, I-ўтим

$$A_H = \frac{V \cdot T_n \cdot 60}{1000} = \frac{800 \cdot 4,5 \cdot 60}{1000} = 216 \text{ kg/soat}$$

$$A_H = 216 \text{ kg/soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

3. Пилталаш машинаси, 2-ўтим

$$A_H = \frac{V \cdot T_n \cdot 60}{1000} = \frac{730 \cdot 4,5 \cdot 60}{1000} = 197 \text{ kg/soat}$$

$$A_H = 197 \text{ kg/soat} \quad 1 \text{ та чиқарувчи орган учун}$$

5. Пневмомеханик йигириш машинаси

$$A_H = \frac{n_{кам} \cdot 60 \cdot T_{ин}}{K \cdot 1000^2} = \frac{80000 \cdot 60 \cdot 25,0}{960,8 \cdot 1000^2} = 0,125 \text{ kg / soat}$$

$A_H = 0,125 \text{ kg / soat}$ 1 та чиқарувчи орган учун

ЙИГИРИШНИНГ ҚИСҚАЧА РЕЖАСИ 25,0 ТЕКСЛИ ИП ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА

Жадвал №8

№	Машиналарнинг номи ва маркаси	Чиқаётган махсулот йўғонлиги Текс	Қўшиш сони D	Чўзиш сони E	Пиштитиш микдори		Чиқарувчи ишчи орган. тезлиги		Назарий махсулд. Ан кг/с
					α_t	K б/м	V м/мин	n мин ⁻¹	
1.	Тараш	5,0	-	-	-	-	166,6	75,28	100
2.	Пилталаш, I-ўтим	4,5	8,0	8,8	-	-	800	6704	216
3.	Пилталаш, II-ўтим	4,5	8,0	8,0	-	-	730	6118	197
4.	Йигириш	25,0	1,0	180	47,7	960,8	83,26	80000	0,125

ҚАЙТИМЛАР , ЧИҚИНДИЛАР ВА ИП ЧИҚИШ ЖАДВАЛИ.

Жадвал №9

Қайтимлар ва чиқиндилар	Титиш- аралашти риш	Тараш	Пилталаш 1-ўтим	Пилталаш 2-ўтим	Йигириш	Жами чиқин- дилар
I.Қайтимлар						
1.Пилта қийқими	-	0,173	0,173	0,173	0,346	0.865
2.Момиқ	-	-	-	-	0,012	0,012
Жами чиқиндилар	-	0,173	0,173	0,173	0,358	0.877
II.Кўзга кўрина-диган чиқиндилар						
1.Карда тарандиси	-	2,01	-	-	-	2,01
2.ТТА момик ва тугунаклар	3,11	-	-	-	-	3,11
3.Тарашдаги момик ва ёнгоқлар	-	1,628	-	-	-	1,628
4.Тоза супрунди	-	0,023	0,023	0,023	0,046	0,115
5. Чигалланган иплар	-				0,11	0,11
6.Тараш машинаси валиклари момиги	-	0,0385	0,0275	0,0275	0,0165	0,11
7.Ифлосланган супрунди	-	0,048	0,032	0,032	0,048	0,16
8. Фильтр момиги	-	0,4	-	-	-	0,4
Жами чиқиндилар	3,11	4,1475	0,0825	0,0825	0,2205	7,643
III. кўринмайдиган чиқиндилар	0,7704	0,5136	-	-	-	1,284
IV.Қайтмайдиган чиқиндилар	1,3116	0,8744	-	-	-	2,186
Жами	2,082	1,388	-	-	-	3,47
Жами чиқиндилар, Ч	5,192	5.7085	0,2555	0,2555	0,5785	11.99
Ялпи маҳсулот ва ипнинг чиқиш миқдори, В _і (В _і =В- Ч)	94,8	89.09	88,84	88.58	88.01	100
Орттириш коэффициенти, $O_K O_{K.C.} = B_c / B_{\bar{y}}$	1,077	1,012	1,009	1,006	1	

1.10. ЎТИМЛАР БЎЙИЧА ЯРИМ МАҲСУЛОТ ВА ИП ЧИКИШИНИ ҲИСОБЛАШ.

$$B_i = B - Ч$$

$$B_c = 100 - Ч_1 = 100 - 5,192 = 94,8$$

1. Тараш цехи

$$B_T = B_c - Ч_2 = 94,8 - 5,7085 = 89,09$$

2. Пилталаш 1-ўтим

$$B_I = B_T - Ч_3 = 89,09 - 0,2555 = 88,84$$

3. Пилталаш 2-ўтим

$$B_{II} = B_I - Ч_4 = 88,84 - 0,2555 = 88,58$$

4. Йигириш цехи

$$B_{\text{Й}} = B_{II} - Ч_5 = 88,58 - 0,5785 = 88,01$$

ЎТИМЛАР БЎЙИЧА ОРТТИРИШ КОЭФФИЦИЕНТИ.

1. Саралаш бўлими

$$O_{K.C.} = \frac{B_c}{B_{\text{Й}}} = \frac{94,8}{88,01} = 1,077$$

2. Тараш цехи

$$O_{K.T.} = \frac{B_T}{B_{\text{Й}}} = \frac{89,09}{88,01} = 1,012$$

3. Пилталаш I-ўтим

$$O_{K.I} = \frac{B_I}{B_{\text{Й}}} = \frac{88,84}{88,01} = 1,009$$

4. Пилталаш II-ўтим

$$O_{K.II} = \frac{B_{II}}{B_{\text{Й}}} = \frac{88,58}{88,01} = 1,006$$

2. Йигириш цехи

$$O_{K.ii} = \frac{B_{ii}}{B_{ii}} = \frac{88.01}{88.01} = 1,0$$

1.11. Ўтимлар бўйича паковкалар параметрларини ҳисоблаш

Бу масалани ечиш учун қайтимлар, чиқиндилар ва ип чиқиш жадвалидан фойдаланамиз.

Ушбу қийматлардан фойдаланиб паковкалар массалари ҳисобланади.

Бабинада ўралган ип массаси ва узунлигини ҳисоблаш.

Камера тезлиги ва унга мослаб дескрет барабани диаметри белгиланади.

Бу массали початкалардан нечтасини битта тоздаги пилтадан йигиришни аниқлаб, пиликлаш машинаси паковка массасини топиш мумкин. Масалан, RU-40 маркали йигириш машинаси бабинадаги ипнинг массаси одатда 3000 gr бўлади.

1. Пилталаш машинасида тайёрланган тоздаги пилта массаси эса 28000 gramm бўлсин. Ҳар бир ўтимда маҳсулот чиқишини ҳисобга олиб, тегишли паковкалар сонини аниқлаш мумкин, яъни битта ғалтакдаги пиликдан нечта ип найчаси ғалтакдаги пиликни қолдиқсиз бўлиб чиқиши мумкинлиги аниқланади, яъни бабиналар сони:

$$m_{\text{бабина сони}} = \frac{G_{\text{пил}}}{G_{\text{ип}}} \cdot \frac{B_{\text{ип}}}{B_{\text{пил.П}}} = \frac{28000}{3000} \cdot \frac{88.01}{88.58} = 9,26 \approx 10 \text{ та деб қабул қиламиз.}$$

Бабина (початка) сонини яхлитлаш, ип массасини камайтириш ёки тоздаги пилта массасини ошириб коррективка (тузатма) киритилади.

Бабинадаги ипнинг тузатмадан сўнги массаси қуйидагича ҳисобланади.

$$G_{\text{ип}} = \frac{G_{\text{пил}}}{m} \cdot \frac{B_{\text{ип}}}{B_{\text{пил.П}}};$$

Бу ерда: $G_{\text{ип}}$ – ипнинг массаси, g

$G_{\text{пил}}$ – тоздаги пилта массаси, g

$B_{\text{ип}}$ – ип чиқиши, %

m – бабиналар сони, дона

$B_{\text{пил}}$ – пилта чиқиши, %

$$G_{\text{ип}} = \frac{G_{\text{пил}}}{m} \cdot \frac{B_{\text{ип}}}{B_{\text{пил. II}}} = \frac{28000}{10} \cdot \frac{88.01}{88.58} = 2800 \cdot 0.993 = 2781.9 \text{ gr.}$$

Бабинадаги ип узунлиги – $L_{\text{ип}}$ ҳисобланади.

Иппинг чизиқий зичлиги $T_{\text{ип}}=25,0 \text{ teks}$ бўлсин.

$$L_{\text{ип}} = \frac{G_{\text{ип}} \cdot 1000}{T_{\text{ип}}} = \frac{2781,9 \cdot 1000}{2,0} = 111276 \text{ m}$$

Демак, Тоздаги пилта массаси 28000 gr. бўлса, ундан ҳар бири 111276 m ли 10 та бабинада ип ўрами олинади.

2. Йигиришдан олдинги пилталаш II ўтимда паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш. II ўтимда тазга тахланган пилта массаси

$G_{\text{п II-ўтим}}=28 \text{ kg}$ га тенг бўлсин. Бабиналар сонига қараб таздаги пилта оғирлиги аниқланади.

Яхлитлаб 10 та бабина деб олиб, таздаги пилта массасини ҳисоблаймиз.

$$G_{\text{пил II-ўтим}} = \frac{m_{\text{баб.}} \cdot G_{\text{ип}} \cdot B_{\text{пил II}}}{B_{\text{ип}}} = \frac{10 \cdot 2781,9 \cdot 88.58}{88.01} = 27999.17 \text{ gr.} = 27.999 \text{ kg}, \quad \text{яъни}$$

10 та бабина олиш учун 27 kg 999 g пилта керак бўлади. Шунинг таъминловчи таздаги пилтанинг компьютерга киритилувчи узунлиги эса

$$L_{\text{пил II}} = \frac{G_{\text{пил II}} \cdot 1000}{T_{\text{пил. I}}} = \frac{27999.2 \cdot 1000}{4500} = 6222 \text{ m га тенгдир.}$$

Уни яхлитлаб 6262,5 m деб оламиз. Унда таздаги пилтанинг ҳақиқий массаси

$$G_{\text{пил II}} = L_{\text{пил II}} \cdot \frac{T_{\text{пил II}}}{1000} = 6222 \cdot \frac{4500}{1000} = 27999,17 \text{ g бўлади.}$$

4. Пилталаш II-ўтимдан олдин пилталаш I-ўтимда паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш. I- ўтимда тазга тахланган пилта массаси

$G_{\text{п II-ўтим}}=34 \text{ kg}$ га тенг бўлсин. Ундан чиқадиган тазлар сони аниқланади.

$$m_{\text{Таз}} = \frac{G_{\text{Пил I-утиг}}}{G_{\text{Пил II-утиг}}} \cdot \frac{B_{\text{Пил. I-утиг}}}{B_{\text{Пил. II-утиг}}} = \frac{34000}{27999,2} \cdot \frac{88,84}{88,58} = 1,2 \text{ та}$$

Буни яхлитлаб 1,2 та деб олиб, таздаги пилта массасини ҳисоблаймиз.

$$G_{\text{пил I-утиг}} = \frac{m_{\text{таз}} \cdot G_{\text{П I-утиг}} \cdot B_{\text{пил II}}}{B_{\text{П I-утиг}}} = \frac{1,2 \cdot 27999,2 \cdot 88,84}{88,58} = 33697.62 \text{ gr.} = 33,69 \text{ kg},$$

яъни 1,2 та таз олиш учун 33 kg 697.6 g пилта керак бўлади. Шунинг таъминловчи таздаги пилтанинг компьютерга киритилувчи узунлиги эса

$$L_{\text{пил I}} = \frac{G_{\text{пил II}} \cdot 1000}{T_{\text{пил. II}}} = \frac{33697.6 \cdot 1000}{4500} = 7488.35 \text{ m га тенгдир.}$$

Уни яхлитлаб 7500,62 m деб оламиз. Унда таздаги пилтанинг ҳақиқий массаси

$$G_{\text{пил I}} = L_{\text{пил I}} \cdot \frac{T_{\text{пил I}}}{1000} = 7488.35 \cdot \frac{4500}{1000} = 33697.6 \text{ g бўлади.}$$

5. Тараш ўтигида паковка массаси ва тазга тахланган пилта узунлигини ҳисоблаш. “I” ўтигида чиқиши мумкин бўлган тазлар сонини ҳисоблаймиз. Таздаги таралган пилта массасини $G_T=34$ кг деб оламиз.

$$m_{\text{тар.}} = \frac{G_T \cdot d \cdot B_{\text{Пил I-утиг}}}{G_{\text{Пил. I-утиг}} \cdot B_{\text{Тар.}}} = \frac{34000 \cdot 8 \cdot 88.84}{33697.6 \cdot 88,58} = 8,04 \cong 8$$

Таралган пилта тахланган таздаги пилта массаси.

$$G_T = \frac{m_{\text{тар.}} \cdot G_{\text{Пил. I-утиг}} \cdot B_{\text{Тар.}}}{d \cdot B_{\text{Пил. I-утиг}}} = \frac{8 \cdot 33697.6 \cdot 89.09}{8 \cdot 88,84} = 33,792 \text{ kg} = 33792 \text{ g га тенг}$$

бўлади.

Таздаги таралган пилтанинг узунлигини ҳисоблаш.

$$L_{\text{Тар.}} = \frac{G_{\text{Тар.}} \cdot 1000}{T_{\text{Тар.}}} = \frac{33792 \cdot 1000}{5000} = 6758.4 \text{ m}$$

Шундай қилиб, ўтигларда паковкалар массалари ҳисобланиб, уларни қолдиқсиз қайта ишлаш лойиҳаланади.

Ўтимлар бўйича ФВК, ИУК ва УФК ларни танлаш ва асослаш.

Жадвал №10

Машиналарнинг номи ва маркаси	ФВК		ИУК		УФК
	«Карақўл текс» Қ.Қ.	Лойихада қабул қиламз	«Маълумотном адан»	Лойихада қабул қиламз	
Тараш	0,95	0,95	0,955	0,955	0,88
Пилталаш , I-ўтим	0,82	0,82	0,975	0,975	0,82
Пилталаш , II-ўтим	0,82	0,82	0,975	0,975	0,82
Йигириш	0,93	0,93	0,96	0,96	0,90

$$УФК = ФВК \cdot ИУК$$

бу ерда: УФК – Ускуналардан фойдаланиш коэффценти. %

ФВК – Фойдаланиш вақт коэффценти. %

ИУК – Ишлаётган ускуналар коэффценти. %

ЎТИМЛАР БЎЙИЧА АМАЛИЙ ВА ҲИСОБИЙ ИШ УНУМДОРЛИГИНИ ҲИСОБЛАШ.

1. Тараш машинаси

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 100 \cdot 0,95 = 95 \text{ kg / soat}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 95 \cdot 0,95 = 90,2 \text{ kg / soat}$$

2. Пилталаш машинаси , I-ўтим

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 216 \cdot 0,82 = 177,1 \text{ kg / soat}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 177,1 \cdot 0,975 = 172,6 \text{ kg / soat}$$

3. Пилталаш машинаси, II-ўтим

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 197 \cdot 0,82 = 161,5 \text{ kg / soat}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 161,5 \cdot 0,975 = 157,5 \text{ kg / soat}$$

4. Йигириш машинаси

$$Aa = A_H \cdot ФВК = 0,125 \cdot 0,93 = 0,116 \text{ kg / soat}$$

$$Ax = Aa \cdot ИУК = 0,116 \cdot 0,96 = 0,111 \text{ kg / soat}$$

1.12. СОАТБАЙ ВАЗИФА

Соатбай вазифа йигириш фабрикасининг бирон бир цехда бир соатда ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини билдиради.[8.10]

Фабриканинг қуввати 3800 камерада берилган. Йигириш цехининг соатбай вазифасини аниқлаймиз.

$$CB_{\text{йиг}} = A_x \cdot 3800 = 422 \text{ kg/soat}$$

$$CB_{\text{ГТА}} = CB_{\text{й}} \cdot O_K = 422 \cdot 1.077 = 454.49 \text{ kg/soat}$$

1. Тараш цехи соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Тар.}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{K.\text{тар}} = 422 \cdot 1.012 = 427.06 \text{ kg / soat}$$

2. Пилталаш I-ўтимининг соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Пил.I}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{K.I} = 422 \cdot 1.009 = 425.8 \text{ kg / soat}$$

3. Пилталаш II-ўтимининг соатбай вазифаси.

$$CB_{\text{Пил.II}} = CB_{\text{й}} \cdot O_{K.II} = 422 \cdot 1.006 = 424.5 \text{ kg / soat}$$

ЎТИМЛАР БЎЙИЧА ЧИҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВА МАШИНАЛАР СОНИНИ ҲИСОБЛАШ

1. Тараш машинаси

$$M = \frac{CB_T}{A_{\text{ХТ}}} = \frac{427.06}{90.2} = 4.73 \text{ та} \approx 6.0 \text{ та}$$

2. Пилталаш машинаси, I-ўтим

$$M = \frac{CB_{\text{Пил.I}}}{A_{\text{Х.Пил.I}} \cdot t} = \frac{425.8}{172.6 \cdot 1} = 2.46 \text{ та} \approx 3.0 \text{ та}$$

3. Пилталаш машинаси, II-ўтим

$$M = \frac{CB_{\text{Пил.II}}}{A_{\text{Х.Пил.II}} \cdot t} = \frac{424.5}{157.5 \cdot 1} = 2.7 \text{ та} \approx 3.0 \text{ та}$$

4. Йигириш машинаси

$$M = \frac{CB_{\text{й}}}{A_{\text{Хй}} \cdot t} = \frac{422}{0.111 \cdot 320} = 11.88 \text{ та} \approx 12.0 \text{ та}$$

ЎТИМЛАР БЎЙИЧА МАШИНА ВА ЧИҚАРУВЧИ ИШЧИ ОРГАНЛАРНИ УМУМЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ.

Жадвал №11

Т/ р	Машиналар номи	А _{хис} kg/soat	Св kg/soat	Чиқар. Ишчи орг.сони	ҳисобланган		Қабул қилинган		Аппа рат- лаш
					Чиқар. орган	Машина сони	Чиқар органи	Машина сони	
1.	Тараш	90,2	427.06	-	4.73	4.73	6.0	6.0	3
2.	Пилталаш I-ўтим	172,6	425.8	1	2.46	2.46	3.0	3.0	1
3.	Пилталаш II-ўтим	157,5	424.5	1	2.7	2.7	3.0	3.0	1
4.	Йиғириш	0,111	422	320	3776	11.8	3840	12	6

Аппаратлаш

Аппаратлаш бу машиналарнинг бир-бири билан боғлиқ ҳолатда ишлашига айтилади. Йиғириш корхоналарида аппарат сифатида карда системаси учун энг юқори иш унумдорлигига эга бўлган 1÷4 тагача пилталаш машинаси қабул қилинади. Қайта тараш системасида 1÷2 тагача пилта бирлаштирувчи машина қабул қилинади.

Лойihalанаётган корхонада аппарат сифатида 1 та пилталаш машина қабул қилиб оламиз.

Ҳисобланган ва қабул қилинган машиналар оғиш фоизини аниқлаш.

Тараш цехи учун.

$$\%_{\text{тараш}} = \frac{M_{\text{К.К}} - M_{\text{хисоб}}}{M_{\text{К.К}}} \cdot 100 = \frac{6 - 4.7}{6} \cdot 100 = 21.6 \%$$

Пилталаш I-ўтим цехи учун.

$$\%_{\text{пилталаш}} = \frac{M_{\text{К.К}} - M_{\text{хисоб}}}{M_{\text{К.К}}} \cdot 100 = \frac{3 - 2.4}{3} \cdot 100 = 20 \%$$

Пилталаш II-ўтим цехи учун.

$$\%_{\text{пилталаш}} = \frac{M_{\text{К.К}} - M_{\text{хисоб}}}{M_{\text{К.К}}} \cdot 100 = \frac{3 - 2.6}{3} \cdot 100 = 13.3 \%$$

Йиғириш цехи учун.

$$\%_{\text{йигириш}} = \frac{M_{K.K} - M_{\text{хисоб}}}{M_{K.K}} \cdot 100 = \frac{12 - 11.8}{12} \cdot 100 = 1.6 \%$$

Йигириш режасини коррективровка қилиш

Йигириш режасини коррективровка қилишда ҳисобланган ва қабул қилинган машиналарнинг оғиш фоизи ҳисобланади. Оғиш фоизи тайёрлов бўлими учун 5 % катта бўлса, йигирув цехи учун 2 % юқори бўлса ўтимлар бўйича технологик кўрсаткичлар, яъни назарий маҳсулдорлик, амалий маҳсулдорлик, ҳисобий маҳсулдорлик ва чиқарувчи ишчи органлар тезлиги коррективровка қилинади.

Бизнинг лойиҳа бўйича Тараш, Пилталаш I-ўтим, ва Пилталаш II-ўтим бўлимларини коррективровка қиламиз.

Тараш бўлими учун

